

UZA | O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ
(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

2022 ЙИЛ МАРТ

ТОШКЕНТ – 2022

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

**Илмий нашр
2022 йил март ойи сони**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ораликдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Таҳрир кенгаши

А.Кўчимов
Қ.Ш.Омонов
А.С.Сагдуллаев
С.С.Ғуломов
Ф.Г.Назиров
Р.Д.Курбанов
М.Ҳ.Рустамбоев
Ш.Т.Қудратхўжа
Н.А.Хусанов

Б.А.Назаров
А.Асқаров
Д.Ю.Юсупова
А.Х.Саидов
Т.Ў.Арипова
Қ.Р.Аллаев
С.М.Туробжонов
И.С.Саифназаров
Н.Х.Обломуродов
Г.А.Мардонова

Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

МУНДАРИЖА

Иқтисод

Т.Н.ПАРДАЕВ, Ф.Ф.ФАРХОДОВ. Иқтисодий интеграциянинг чуқурлашуви шароитида божхона тўловларини қўллашни оптималлаштириш йўллари.....	3
--	---

Юридик

Н.А.КУЛДАШЕВ, М.Х.БАРАТОВ. Ўзбекистонда жамоат хавфсизлиги соҳасида давлат-хусусий шериклик: ташкил этиш ва такомиллаштириш... 14	
Ж.А.ИБРОҲИМОВ. Террорчилик хусусиятига эга жиноятлар ва уларнинг турдош жиноятлардан фарқли жиҳатлари: илмий-назарий таҳлил.....	26

Филология

Ҳ.ҲАМРОЕВА. Ўзбек болалар фольклор рақсларининг лингводидактик хусусиятлари.....	38
Ф.ОЛИМОВ. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да тил, ифода ва тасвир.....	47
М.Э.АХМЕДОВА. Олий таълим дарслик ва қўлланмаларида ўқув топшириқлари тадқиқ ва қўлланилиши.....	58
Н.Д.ХОЛИКОВА. Эволюция женского образа в лиро-эпических произведениях.....	72
С.А.МЎМИНОВА. Ўроз Ҳайдар шеърляти поэтикаси.....	80
Ў.АБДУНАЗАРОВ. Носир Фозиловнинг “Қуш қаноти билан...” қиссасида давр фожиаси, шахс қисмати тасвири.....	88
Н.НАЗАРОВА. Сирожиддин Саййид ижодида инсон маънавияти муаммолари.....	97
О.Н.АНОРҚУЛОВА. Айрим халқ оғзаки ижоди манбаларида ота концептига доир мисоллар талқини.....	105
Ш.Б.ГУЛЯМОВА. Монологик дискурсининг бадиий матнда қўлланилиши.....	115
Д.Х.ТАШПУЛАТОВА. Афоризмларни миллий корпус учун танлаш тамойиллари.....	123
К.Ш.АЛАУТДИНОВА. Логистика соҳасига оид терминларнинг этимологик ва махсус луғатларда берилиши.....	130
Қ.МАМИРАЛИЕВ. Истиклол даври ўзбек шеърлятида индивидуал жанрлар.....	141
Н.И.ХУРСАНОВ. Ўзбек ва инглиз драмаларида қўлланилган стилистик бирликларнинг лингвопрагматик хусусиятлари.....	149

Н.УСМОНОВА. Замонавий публицистикада муаммо ва унинг ёритилиши.....	156
Н.Х.АШУРОВА. Дунё адабиётшунослигида аёл образи талқинлари масаласи.....	164
Қ.ЭШБОЕВ. Тилшуносликда даражаланиш қонуниятининг илмий талқини.....	173
С.Р.ХУСАНОВА. Тўртликдаги ишки илоҳий тараннуми.....	183

Фалсафа

А.М.МИРЗАХМЕДОВ, И.Ғ.ПАРПИЕВ. Талаба – ёшларнинг компьютер тобелиги профилактикасига доир мулоҳазалар.....	191
Д.А.ИСАЕВА. Медиаэкология интернет ва технологический детерминизм.....	199
Ф.Л.УСМОНОВ. Ахборот эркинлигининг моҳияти ва ривожланишининг методологик масалалари.....	208

Тарих

Ў.М.КАРИМОВ. Хитой сари юриш ёхуд Амир Темур ҳаётининг сўнгги кунлари.....	216
---	-----

Техника

К.Д.АСТАНАҚУЛОВ, Ж.З.УЛАШОВ. Буталган дарахт шохлари ва улардан фойдаланиш истикболлари.....	224
К.Р.ХЎЖАҚУЛОВ. Нефт парафинларини оксидлаш жараёнини математик моделлаштириш.....	231
Ш.Ю.ИСРОИЛОВ. Марказий нерв тизими ва ҳаётий муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолиятини регулятор механизмларини математик моделлаштириш.....	241

Тиббиёт

Д.С.ИБРАГИМОВА. Объем выбросов в атмосферу и их влияние на организм человека.....	251
--	-----

АФОРИЗМЛАРНИ МИЛЛИЙ КОРПУС УЧУН ТАНЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Дилноза Холмирза қизи ТАШПУЛАТОВА

ўқитувчи

Тошкент тиббиёт академияси

Тошкент, Ўзбекистон

dili_xalmirzayevna@mail.ru

Аннотация

Мақолада афоризмлар ва уларнинг миллий корпусда бериш тамойиллари, бир тилли ва кўп тилли афоризмлар луғатини шакллантириш мезонлари, интернет тизимидан қидириш ва фойдаланиш учун қулай вариантларини танлаш механизмларини ишлаб чиқиш, афоризмларни миллий корпусда беришнинг мавзулаштирилган шаклидан фойдаланиш афзалликлари ҳақида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: афоризм, миллий тил корпуси, сунъий интеллект, бир тилли ва кўп тилли афоризмлар луғати, контекст, мавзулаштириш.

Дилноза Холмирза қизи ТАШПУЛАТОВА

Преподаватель

Ташкентская медицинская академия

Ташкент, Узбекистан

dili_xalmirzayevna@mail.ru

Аннотация

В статье дается представление о преимуществах использования словаря афоризмов и принципах их подачи в национальном корпусе, критериях формирования словаря одноязычных и многоязычных афоризмов, выборе удобных вариантов поиска и использования интернет-системы, использовании тематической формы подачи в национальном корпусе афоризмов.

Ключевые слова: афоризм, национальный языковой корпус, искусственный интеллект, словарь одноязычных и многоязычных афоризмов, контекст, тематический.

Афоризм жанри мазмуннинг яхлитлиги ва тушунарлилиги, шаклнинг ихчамлиги билан ўқувчини ўзига жалб этади. У алоҳида турганда ҳам, нутқ, шунингдек, мақола контекстида ҳам таъсирчанлигини сақлаб туради. Тилшуносликда афоризмларни пухта ўрганиш учун уларнинг корпусини яратиш олиш лозим бўлади. Интернет тизимида рус, инглиз, француз ва немис тилларининг афоризмлардан иборат контекстли/контекстсиз шаклдаги

электрон корпуслари мавжуд бўлиб, исталган тилни қиёсий ўрганиш мумкин. Мақоллар ментал характерда бўлганлиги учун ундан барча халқлар бирдек фойдалана олмаслиги мумкин, аммо афоризмлардан бутун инсоният бемалол фойдалана олади, чунки, инсоният даҳолари томонидан айтилган фалсафий фикрлар ҳамма учун фойдалидир.

“Афоризмлар (юнонча *aphrismos* – ҳикматли сўз), ихчам шаклли, чуқур мазмунли муаллифи аниқ гап; ҳикматли сўзлар. Масалан: Оз демак ҳикматга боис, оз емак сиҳатга боис” [3;118].

Афоризмлар – интернет сайтларида фойдаланишга қулай бўлгани учун электрон контент сифатида мавжуд. Фикрни ихчам шаклда ифодалаш мақсадада муаллифларнинг асарлари ёки нутқларидан контекстда яратилган иборалар ва иқтибослардан намуналар олинади. Ўзбек шеърлятида шохбайтар мавжуд бўлиб, кўпинча улар афоризмга айланиб кетади. Афоризмнинг мустақил жанр сифатида ёрқин намуналари Аристотел, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Румий, Шеъррозий, Гёте ва бошқалар ижодида кўзга ташланади. Шунга қарамай, кўплаб афоризмлар бадий асарлардан олинади; масалан, Оскар Уайлднинг аксарият афоризмлари унинг пьесаларидан олинган. Бундай ҳолларда афоризм тирноқ шаклини олади, чунки контекстдан ажратиб олингани билиниб туради.

Афористикада сўз ўйини, мантиқий қочиримлар кенг қўлланилади, бу ўхшаш тушунчаларнинг ёнма-ён жойлашишида ва қарама-қаршиликларни аниқлашда намоён бўлади; ихчамликка сўзлар учун белгиланган алоқалар ва ассоциацияларни йўқ қилиш орқали эришилади.

Афоризмларнинг турлари ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ тушунчаларни, оппозиция (антитеза) асосида афоризмларни танлаш механизмини, танланган материални таржима нуқтаи назаридан танлаш ва таҳлил қилишда дуч келган қийинчиликлар ҳақида сўз борганда ҳозирги вақтда лингвистик ифода воситаларини стилистик жиҳатдан алоҳида батафсил ўрганилиб, таржима назарияси ва амалиётида ҳам тадқиқ қилиш бошланган.

Ўзбек тили тилида корпус учун матнлар тузиш махсус тадқиқот предмети бўлмаган, айниқса, афоризмлар иштирок этган дискур ва матнлар тизимли ҳолда деярли учрамайди, аммо айрим тадқиқотларда масаланинг баъзи қирралари ҳақида фикр билдирилган. Чунончи, ҳаракат феъллари асосида компьютер дастурлари учун лингвистик таъмин яратиш [2], ўзбек-инглиз тили машина таржимасининг лингвистик таъминоти [1;52], ўзбек тили муаллифлик корпусини тузиш тамойиллари [4;250], Бу тадқиқотлар компьютер лингвистикаси муаммоларини тадқиқ этганлиги билан долзарблик касб этган. Ҳозиргача лингвистик ифода воситалари фақат умумий фойдаланишда ўрганилган, аммо антитеза тор қўлланилиш соҳалари доирасида кўриб чиқилмаган. Биз оппозицияга асосланган афоризмларни кўриб чиқамиз.

Машҳур шахсларнинг афоризмлари нафақат миллатга, балки турли хил лингвистик маданиятларга эга бўлган бутун инсониятга тегишли, шунинг учун асл нусхада ва таржимада, ўзбек, рус ва инглиз тил маданиятларида афоризмларни қиёсий таҳлил қилиш долзарб бўлиб турибди. Бу ўринда асосий вазифа ўзбек-рус ва инглиз тилларидаги афоризмларни таржималардаги ўхшашлик ва фарқларини, шунингдек турли лингвистик маданиятларига тегишли тафаккур шакллари аниқлашдир.

Ҳар бир афоризм тасвирланган объект ёки ҳодисани баҳолашни ўз ичига олади ва афористик сўз элементлари кўпинча афоризм контекстидан ташқарида уларга хос бўлмаган маънонинг баҳоловчи таркибий қисмига эга бўлади. Меъёрдан бундай оғиш ҳар доим ахборот кабидир. Аллитерация, паронимия, параллелизм, симметрия каби афористик сўзларни шакллантириш воситалари сўзнинг ситуацион семантикасини яратишга ва фақат шу контекстларга хос бўлган янги ассоциатив қаторларни шакллантиришга хизмат қилиши туфайли афоризмнинг маълумот ҳажми ҳам ошиб боради.

Тадқиқот қиёсий характерга эга бўлганда қиёсий тилшунослик ушбу тилларга хос хусусиятларни аниқлаш ва уларнинг тузилмаларининг

ўхшашлиги ва тафовутларини аниқлаш учун тилларни, қариндошлигидан қатъи назар, бошқа тилларга нисбатан ўрганиш билан шуғулланади.

Шуниси эътиборга лойиқки, одатда қиёсий таҳлил тил сатҳлари бўйича амалга оширилади. В.Аракиннинг фикрига кўра, бундай тадқиқотлар алоҳида қуйи тизимлар ва тилларнинг алоҳида даражалари соҳасида ҳам амалга оширилиши мумкин. Тил сатҳлари таркибига фонетик, морфологик, лексик ва синтактик сатҳлар киради. Лекин афоризмлар бундай катта даражалардан ташқари алоҳида микросистемалар ҳам ўрганиш объекти бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини таъкидлайди. Худди шу фикрни В.Гакнинг асарида топамиз. Қиёсий таҳлил тилнинг барча ёки бир сатҳини қамраб олиши шарт эмас, деб таъкидлайди Гак.

Муайян асарларнинг тўғридан-тўғри ва мажозий маъносини етказишнинг аниқлиги ва самарадорлиги таржимоннинг лингвистик ва маданий ваколатига боғлиқ. Ўрганишнинг дастлабки босқичида Google, Yandex ва Rambler Internet қидирув тизимлари, афоризмлар платформаси сайтлари, босма энциклопедиялар ёрдамида зид маъноли инглиз тилидаги афоризмларни кидирдик. Биз турли мезонларга мувофиқ тузилган умумий ва мавзуй ҳамда муаллифлик афоризмлар тўпламларини ўз ичига олган сайтларни бирма-бир таҳлил қилдик. Таҳлил қилинган сайтларнинг умумий сони 18 та бўлиб, улардан 11 таси рус тилида ва 7 таси инглиз тилида сўзлашувчилардир.

Умумий сондан таҳлил қилиш учун зарур бўлган рўйхатларни танлаш учун биз қуйидаги мезонларни аниқладик:

1. Муаллифлар. Афоризмлар муаллифлари инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатлар сиёсати, маданияти ва санъатининг таниқли вакиллари бўлиши керак эди.

2. Антитеза. Ҳар бир афоризм объектлар ва ҳодисаларнинг аксини ўз ичига олиши керак.

3. Таржима. Афоризмлар рус тилига таржима қилиниши ва муайян даражада маълум бўлиши керак.

Шундай қилиб, юқоридаги мезонларга мувофиқ таҳлилдан сўнг биз тарихнинг турли даврларига оид муаллифларнинг афоризмлари рўйхатини олдик. Интернет тизимида ўзбек тилидаги контентлар сони ниҳоятда кам. Фаол ишлайдиган тармоқ бу [ziyouz](http://ziyouz.com) сайти бўлиб, унда биз Алишер Навоий афоризмларини қидирамиз ва қуйидаги намуналари чиқиб келади:

*Нафъинг агар халққа бешакдурур
Билки, бу нафъ ўзунгга кўпракдурур.
Илми ким воситайи жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар.
Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзунгдин истагил.
Халойиққа кўрма қилиб бенаво,
Ўзингга раво кўрмаганни раво.
Одами эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ гамидин гами.
Менга не ишқу, не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур.
Юз жафо қилса манга бир
қатла фарёд айларам,
Элга қилса бир жафо, юз
қатла фарёд айларам [5].*

Дунёнинг барча тилларида яратилган афоризмлар шаклий жиҳатдан фарқ қилса-да мазмунан бир-бирига ўхшаш, баъзан бир хил маънони ифодалаши мумкин. Шунини ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Алишер Навоий каби теран тафаккур эгалари айтган афоризмлар ўзига хосликка эга бўлади ва умумий мазмундан фарқ қилиши мумкин:

*Кимки киши ўлмакидан шод эрур,
Гўркану госилу жаллод эрур.
Бордур инсон зотида онча шараф, –
Ким ямон ахлоқин этса бартараф.*

*Хуш дурур боғу коинот гули,
Барчадин яхишироқ ҳаёт гули.
Бу гулшан ичраки, йўқдур
бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур, чиқса
яхишлик била от.*

Шарқ халқларига хос бўлган афоризмларнинг шакли ҳам ғарбникидан фаркланади, яъни шарқда асосан, шеърӣ йўл билан ёзилади, ғарбда эса афоризмларни насрий шаклда учратасиз:

*Сўзда, Навоӣ, не десанг чин дегил,
Рост наво нағмага таҳсин дегил.
Кимники инсон десанг, инсон эмас —
Шаклда — бир, феълда — яксон эмас.
Кўп демак бирла бўлмагил нодон,
Кўп емак бирла бўлмагил ҳайвон.
Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Билки, нишона анга иймон эрур.*

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аксарият инглизча афоризмлар рус тилига таржима қилинган. Интернет сайтларига турли шаклда қидирув топширғи берилса ҳам афоризм сўзи бўлса, маълумот истаганча чиқиб келаверади:

1. Those who cannot change their minds cannot change anything. Bernard Shaw.

Кто не может изменить свои воззрения, не может изменить ничего.
Бернард Шоу.

2. Two things are infinite: the universe and human stupidity; and I'm not sure about the universe. Albert Einstein

Две вещи бесконечны: вселенная и человеческая глупость; и я еще не уверен насчет вселенной. Альберт Эйнштейн.

3. Always forgive your enemies; nothing annoys them so much.

Oscar Wilde.

Всегда прощайте ваших врагов, ничто не раздражает их больше.

Оскар Уайльд [6].

Афоризмларни таржимаси билан бериш фойдаланувчилар миқёси кенгайишига олиб келади. Лисоний воситалар орасида иборалар ва афоризмлар таъсирчанлик жиҳатдан устунлик қилади. Афоризмлар корпусини яратишда қулай вариантларни танлаш лозим, яъни муаллифлар номига нисбатан эмас, мавзулар бўйича шакллантириш мақсадга мувофиқ, бизнингча.

Маълумотнинг зарурлиги нуқтаи назаридан қидирув аксарият ҳолларда мавзу бўйича берилади, чунки афоризмлар кўп ҳолларда матнларга иқтибос шаклида бериш учун танланганда мавзу бўйича қидирув амалга оширилади. Интернет сайтларида жойлашган контентлар, асосан, муаллифлар кесимида берилган. Мавзу бўйича маълумот сўралганда кутилган натижа бўлмайди. Шу маънода афоризмларнинг бир тилли ва кўп тилли корпусини яратиш зарурати мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдурахмонова Н.З. Инглизча матнларни ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминоти (Содда гаплар мисолида). Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)...дис. афтореф. – Тошкент, 2018. – 52 б.
2. Муҳаммедова С. Ҳаракат феъллари асосида компьютер дастурлари учун лингвистик таъмин яратиш: методик қўлланма. – Тошкент: ТДПУ, 2006.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – 680 б.
4. Хамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари: Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)...диссер. – Қарши: ҚарДУ, 2018. – 250 б.
5. <https://ziyouz.uz/>
6. <http://aforizmy.su/>